# ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ ХРЕСТОМАТИЯСИ

# ХРЕСТОМАТИЯ ПО ДИРИЖИРОВАНИЮ ХОРОМ

II
ҚИСМ

II
ЧАСТЬ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Н. И. ҚОЗИЕВ

# ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ ХРЕСТОМАТИЯСИ

ИККИНЧИ ҚИСМ

# ХРЕСТОМАТИЯ ПО ДИРИЖИРОВАНИЮ ХОРОМ

ЧАСТЬ ВТОРАЯ

*Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги тасдиқлаган*

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1976 й.

170747

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚИРИШ

Мазкур хрестоматия республика маданият институти, педагогика институтлари музика-педагогика факультетининг ўқитувчилари ва студентлари учун мўлжалланган. Хрестоматиядан умумий таълим мактаблари учун музика ва ашула ўқитувчилари ва бадиий ҳаваскорлик хор коллективлари учун раҳбарлар тайёрловчи музика билим юртлари, педагогика билим юртлари, маданий-оқартув техникумларининг ўқувчилари ҳам фойдаланиши мумкин.

Хрестоматиянинг асосий мақсади — хор дирижёрлиги класслари репертуарини Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари билан бойитишдир. Хрестоматия маҳаллий миллат студентларига музика таълими беришда айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўз она тилларида дирижёрликдан махсус билим ва кўникмалари эгаллашларини осонлаштиради.

Ўзбекистон композиторининг нашр этилган хор асарлари етарли даражада эмаслиги республикамиз ўқув юртларида яққол сезилмоқда. Бу ҳол малакали мутахассислар етиштиришдаги муҳим тарбиявий-педагогик вазифаларни ҳал қилишни қийинлаштирмоқда. Ушбу хрестоматия юқорида кўрсатилган етишмовчиликларни маълум даражада тўлдириб, ўқитувчиларнинг ўз репертуарларини танлаш ва уни бойитишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, хрестоматияга киритилган асарларнинг кўпчилигидан студентлар ўқув юртларини тамомлаганларидан кейин ҳам ўз иш тажрибаларида фойдаланишлари мумкин.

Хрестоматия дирижёрлик курси программаси талаблари асосида тузилган. Унда қийинлиги турли даражада бўлган хор асарлари танланган ва системалаштирилган, бу асарлар курс ва семестрларга бўлиб чиқилган. Бундан ташқари, студентнинг ўқиш жараёнидаги ҳар бир семестрда дирижёрликдан эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар ҳажми кўрсатиб берилган.

Хрестоматияда барча асарларнинг қисқача аннотацияси берилган бўлиб, унда ҳар бир асарнинг ўзига хос хусусияти, дирижёрлик ва педагогик жиҳатдан амалга ошириладиган асосий вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилган.

## ВВЕДЕНИЕ

Хрестоматия по дирижированию хором предназначена для педагогов и студентов Института культуры, музыкально-педагогических факультетов педагогических институтов республики. Хрестоматия будет полезна и учащимся средних музыкальных учебных заведений: музыкальных училищ, педагогических училищ, культпросветтехникумов, готовящих учителей музыки и пения для общеобразовательных школ и руководителей хоровых коллективов художественной самодеятельности.

Основная цель Хрестоматии — дополнить репертуар классов хорового дирижирования произведениями для хора композиторов Узбекистана. Это имеет особенно большое значение в обучении студентов — лиц местной национальности: воспитание их на родном материале облегчит овладение специальными знаниями и навыками.

В музыкальных учебных заведениях нашей республики остро ощущается отсутствие в достаточном количестве изданных хоровых произведений узбекских композиторов. Это затрудняет решение важных воспитательных и педагогических задач в подготовке квалифицированных специалистов.

Настоящая Хрестоматия в некоторой степени восполнит этот пробел и поможет педагогам подобрать и обогатить репертуар. Кроме того, значительную часть произведений студенты после окончания учебного заведения смогут использовать в своей практической работе.

Хрестоматия составлена с учетом требований программы по дирижированию. Хоровые произведения отобраны различной степени трудности и в соответствии с этим систематизированы и распределены по курсам и семестрам. Кроме того, указан объем дирижерских знаний и навыков, которыми должен овладеть студент в процессе обучения на каждом семестре.

Все произведения сопровождаются краткими аннотациями, в которых отмечаются их наиболее характерные особенности и основные дирижерские и педагогические задачи.

Изложение всего текстового материала Хрестоматии на двух языках (русском и узбекском) создает благоприятные условия для пользования ею.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хрестоматиянинг текст материаллари рус ва ўзбек тилларида баён қилиниши, ундан кенг фойдаланишга қулай имконият яратади.

Хрестоматия тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир курс, яъни биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс учун белгиланган хор асарларини ўз ичига олади.

Хрестоматиянинг иккинчи тўплами Узбекистон композиторлари томонидан ёзилган бир жинсли (эркаклар, хотин-қизлар) ва кичик кўламли аралаш хорлар составига мўлжалланган асарларни ўз ичига олади. Булар — қайта ишланган жўрсиз хорлар, опера ва музикали драмалардан парчалар, кантаталардан қисмлар ҳамда мустақил хор асарларидир.

Ўзбек хор музикасида, ўзбек қўшиқларининг усул томонидан тузилиш хусусиятига кўра, оғир-вазмин ёки мўътадил суръат талаб этадиган мураккаб ўлчовли $^6/_8$ ёки $^6/_4$, айниқса «олтига» (биринчи ярим йиллик) хор асарлари деярли учрамайди. Аксинча (иккинчи ярим йиллик учун) ўзбек қўшиқ ижодига тааллуқли $^6/_8$ ўлчовли, усул тасвири «иккига» бўлган хор асарлари кўпроқ учраб туради.

Шунинг учун суръати оғир-вазмин, мўътадил, ўлчови $^6/_8$ ва $^6/_4$ бўлиб «олтига» шаклда дирижёрлик қилинадиган хор асарларини Рус, Ғарбий Европа, Совет композиторлари хор асарларидан ёки бошқа миллат халқлари қўшиқ ижодидан фойдаланиш тавсия этилади.

Хрестоматия состоит из четырех сборников, каждый из них содержит хоровые произведения для одного курса: первого, второго, третьего, четвертого.

Второй сборник Хрестоматии включает произведения, созданные композиторами Узбекистана для однородного (женского и мужского) и небольшие произведения для смешанного состава хора. Это — хоровые произведения, обработанные для хора а'капелла, отрывки из опер и музыкальных драм, части из кантат, а также самостоятельные хоровые произведения.

В узбекской хоровой музыке по сложившейся структуре ритмических особенностей узбекских песен почти отсутствуют хоровые произведения со сложным размером $^6/_8$ или $^6/_4$ именно на «шесть» (первое полугодие), которые требуют медленного или умеренного темпа. Наоборот, произведения с ритмическим рисунком $^6/_8$ на «два» (второе полугодие), также характерные для узбекского песенного творчества, встречаются довольно часто.

Поэтому хоровые произведения с дирижерской схемой $^6/_8$ и $^6/_4$ на «шесть», исполняемые в медленном и умеренном темпе, рекомендуется находить в хоровых произведениях русских, западноевропейских, советских композиторов или в народных песнях других народов.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# II
# КУРС

Ушбу курсда, ўқитувчи олдида, студентларнинг биринчи курсда дирижёрликдан олган билим ва малакаларини бирмунча йирикроқ асарлар воситасида мустаҳкамлаш ва уларни чуқурлаштириш вазифаси туради.

Дирижёрлик ҳаракатининг асоси бўлган аниқлилик, усуллилик, қонунийлик, мақбуллилик ва шу каби принциплар муфассал равишда ўзлаштирилади.

Тактдаги кучли, нисбий кучли ва кучсиз дамларни ҳис қилиш туйғулари, *non legato, legato* услубидаги товуш юритиш тушунчалари ривожланади; қўл-панжа бўғимининг шартли белгиси сифатида зарур бўладиган дирижёрлик услуби *(staccato)* қўшилади.

Қўллар вазифа (функция)ларини чегаралаш (чап қўлда — асар динамикаларини,турли овозларнинг бошлаш дамларини, чўзиладиган товушларни сақлаб туриш ва ш. к.)ни тактдаги асосий ўлчов ҳиссаларидан сўнг овозларнинг бошлашини кўрсатиш кўникмалари мустаҳкамланади. Ферматолар, синкопалар, акцентлар ва уларни ижро этиш услублари такрорланади.

Секин-секинроқ мўътадил-мўътадилроқ, тез-тезроқ суръат (темп)лар батафсил ўрганилади. Агогик — суръат ўзгариши *(pin mosso, meno mosso, ritenuto, accelerando, strengendo)* ва ҳ. к. динамик ўзгариши *(crescendo, diminuendo, subito f, subito, p, pp, ff, sf)* ва ҳоказо.

Иккинчи курсда студентни янги $^6/_8$ ва $^6/_4$ ўлчовли дирижёрлик шакли билан таништирилади. Улар биринчи ярим йилликда «олтига»— секин, мўътадил суръатда; иккинчи ярим йилликда «иккига»— мўътадилроқ — тез, ҳаракатчан суръатда бўлган асарлар воситасида ўрганилади.

Студентнинг диққат-эътиборини дирижёрликнинг ҳаракат ижроларини аниқ ва равшан кўрсата олишига, дирижёрлик позициясининг гавда, бош ва қўлнинг тўғри тутилишига, шунингдек, қўлларнинг ифодали, пластик (эгилувчан) бўлишига алоҳида жалб этмоқ зарур.

На втором курсе перед педагогом стоит задача закрепления и углубления знаний дирижерских навыков, полученных студентом на первом курсе, на относительно крупных произведениях.

Более детально усваиваются основные принципы дирижерских движений: точность, ритмичность, закономерность, целесообразность и т. д.

Развивается ощущение сильного, относительно сильного и слабого времени в такте, понятие о характере звуковедения *non legato, legato*, добавляется *Staccato* с условием для кистей рук — необходимый прием дирижирования.

Закрепляется навык разграничения функции рук (левой — в показе нюансов, вступлений разных голосов, выдержанных звуков и т. д.), показ вступлений после основной метрической доли такта. Повторяются ферматы, синкопы, акценты и приемы их исполнения.

Происходит подробное изучение темпов: медленно-медленных, умеренно-умеренных и скоро-быстрых. Агогика — смена темпов *(pin mosso, meno mosso, ritenuto, accelerando, stringendo)*, смена динамики *(crescendo, diminuendo, subito f, subito p, pp, ff, sf)*.

На втором курсе студента знакомят с новой дирижерской схемой $^6/_8$ и $^6/_4$: на «шесть»— первое полугодие — в медленном, умеренном темпе и на «два»— второе полугодие — в умеренно-скором, подвижном темпе.

Следует особенно обратить внимание студента на выработку точных, ясных дирижерских движений — жестов, на позицию дирижера — постановку корпуса, головы, рук, на их выразительность, пластичность и т. д.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Иккинчи курснинг учинчи семестри программаси

# Программа второго курса—третьего семестра

1. Студентнинг биринчи курсда дирижёрлик-ижрочилик соҳасида эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини мукаммал чуқурлаштириш.

2. Ўнг ва чап қўл вазифа(функция)ларини ўрганиш. Асарнинг динамик белгиларида, турли овозларнинг бошлаш дамларида, чўзилган товушларни сақлаб туриш ҳолларида чап қўлнинг мустақиллиги. Хор тўдаларидаги усул тасвирига мувофиқ ҳар бир қўлнинг мустақил ҳаракати.

3. Мўътадил ҳаракатда тактдаги асосий ўлчовҳиссаларидан кейин бошлашни кўрсатиш дамлари (бўлинган-парчаланган ҳиссалар).

4. $^{6}/_{8}$ ва $^{6}/_{4}$ ўлчовини, «олти ҳиссали» шаклда дирижёрлик қилиш.

5. *Staccato* характеридаги овоз юритишни ўрганиш ва унинг дирижёрлик услуби.

6. Синкопалар ва акцентларни мустаҳкамлаш.

7. Жўрсиз асарлар устида ишлаётганда камертондан мукаммал фойдаланиш.

1. Углубление знаний и совершенствование дирижерско-исполнительских навыков, приобретенных студентом на первом курсе;

2. Изучение функции рук — правой и левой. Самостоятельная роль левой руки в показе нюансов, вступлений разных голосов, выдержанных звуков и т. д. Независимое движение каждой руки в соответствии с ритмическим рисунком каждой из хоровых партий;

3. Показ вступления после основной метрической доли такта в среднем движении (дробленое вступление);

4. Дирижирование в размере $^{6}/_{8}$ и $^{6}/_{4}$ по «шестидольной» схеме;

5. Изучение понятия о характере Staccato и приемы дирижирования;

6. Закрепление синкопов, акцентов;

7. Совершенствование навыков работы под камертон, над произведением *a'capella*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 1. УЛУҒ ВАТАН

Т. СОБИРОВ шеъри | М. НАСИМОВ музикаси

Tempo di mareia






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Бахтимиз ёр, не десак бор, ҳур ҳаётимиз,
Партиямиздир куч-нажотимиз.
Буюк ишга қадам ташладик,
Мўл пахта ҳосили учун биз кураш бошладик.

Нақарот:

Ҳаётимиз, жонимизсан, эй, улуғ Ватан,
Юракдаги қонимизсан, эй, улуғ Ватан.
Бахт иқболимиз, қонимизсан, эй, улуғ Ватан,
Фахримизсан, шонимизсан, эй, улуғ Ватан.

2. Қўлимизда яшнар доим пахтазоримиз,
Пахта учун кураш бизнинг зўр шиоримиз.
Ваъдамиз-ла бордир оримиз,
Яша ҳар он, эй, гулистон, ҳур диёримиз.

Нақарот:

Ватанпарварлик руҳида ёзилган бу асар ижро этилаётганда дирижёрдан қатъият ва ёрқин эмоционал ҳис-ҳаяжон талаб қилади.

Асар усулларининг тузилиши (триоль, пунктир усул, синкопа ва бошқалар), бой динамик плани кўпгина дирижёрлик услубларини эгаллашга имкон яратади.

Динамика ўзгаришига — бинобарин дирижёрлик миқёсидаги ҳаракатнинг ўзгаришига ва аниқ «таранг» ишора талаб қиладиган пунктир усулнинг тасвирини кўрсатишга алоҳида диққат-эътибор талаб қилинади.

Патриотический характер произведения требует от дирижера сильной воли, яркой эмоциональности при исполнении.

Разнообразие ритмического строения произведения (с наличием триолей, пунктирного ритма, синкоп и др.) и богатый динамический план способствуют овладению многими техническими приемами дирижирования. Особое внимание следует обратить на смену динамики, а следовательно изменение масштабов дирижерских движений, и на показ пунктирного ритмического рисунка, требующего очень «упругого» точного жеста.

# 2. ТЕЗУ ТОЗА ТЕРАЙЛИК

(Ўзбек халқ қўшиғи)

**Қ. АБДУЛЛАЕВ** қайта ишлаган

**Allegro**






www.ziyouz.com kutubxonasi




Нақарот:

1. Пахтанинг гули яхши, гулидан ўзи яхши,
Турмуш тинч бўлсин деган, Партия сўзи яхши.

Нақарот:

Тезу-тоза терайлик, чаноғида қолмасин.

2. Пахталар лўппи-лўппи, оппоқ бўлиб очилар,
Уни кўрган кишининг баҳри-дили очилар.

Нақарот:

Тезу-тоза терайлик, чаноғида қолмасин.

Бу қўшиқ икки вазифанинг ечилишида, яъни суръатлар ўзгариши (Allegro, Andantino)ни ва асарнинг усул тасвири жиҳатидан ўзига хос хусусияти ҳисобланган синкопаларнинг кўрсатилишини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ундан ташқари овознинг иккинчи ҳиссадан кейинги кўрсатиш дамларидаги дирижёрлик кўникмалари мустаҳкамланади.

Эта песня способствует разрешению двух главных задач: смене темпов — *allegro* и *andantino* и показу синкоп, являющихся характерной особенностью ритмического рисунка. Кроме того, закрепляется дирижерский навык — показ вступления голоса после второй доли.

## 3. ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАР ТАРОНАСИ

**А. ИСРОИЛОВ** шеъри — **Ш. РАМАЗОНОВ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Қизларжон, жон қизларжон 2 марта
Меҳнатдан бахт изларжон
Кўксингизда толадан
Олтин маржон, зар-маржон.

Нақарот:

Қизларжон, жон қизларжон
Меҳнатдан бахт изларжон.

2. Сиз чаман булбулими?
Пахтазорлар гулими?
Водийларга бурдингиз
Машиналар рулини.

Нақарот:

3. Оқ олтин тоза-тоза,
Бахтимиздан андоза.
Бахтимизни куйлайлик
Юртга қилиб овоза.

Нақарот:

Асар характери қувноқ, хушчақчақдир. Рақсга хос доира усулли имитация асар жўрида таъкидланади. Бу ерда кичик «қиррали» ишора ўринлидир.

Ўнг қўл билан биринчи ҳиссани таъкидлаб, чап қўл билан эса синкопалашган овоз ёки хорнинг бошланиш дамларини кескин кўрсатиш ҳамда тўртинчи ҳиссанинг биринчи ҳисса билан қўшилган (лигаллаштирилган) пайтида чап қўлни тўртинчи ҳиссада тўхтатиш — янги техник услубдир.

Характер произведения веселый, жизнерадостный. Танцевальность подчеркивается имитацией дойры в аккомпанементе. Здесь уместен мелкий, «отточенный» жест.

Новым техническим приемом является подчеркнутое исполнение первой доли такта правой рукой и острый показ синкопированного вступления голоса или хора левой, а также остановки левой руки на четвертой доле такта, когда она залиговывается с первой доли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 4. ЎЙНАЙЛИК ОМОН

ўзбек халқ қўшиғи

В. КНЯЗАТОВ қайта ишлаган






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi



1. Гул боғим, менинг боғим,
Энди ўчмас чироғим.
Мактабларда ўқийман,
Ўтмасин ёшлик чоғим.

Н а қ а р о т:

Ўйлайлик омон
Яхшилик замон.

2. Саккизинчи мартимиз,
Яшнайди ҳаётимиз.
Айни ёшлик чоғида,
Тошгандур ғайратимиз.

Н а қ а р о т:

Ушбу асар ижро этилаётганда дирижёрлик ҳаракатининг майин ва равон бўлиши, ҳар бир қўлнинг мустақил равишда ҳаракат қилиши асосий вазифадир. Бунга мўътадил суръат, оддий фактурада ёзилган партитура, усул тасвирининг бирмунча оддийлиги ва асар характерининг юмшоқ ҳамда куйчанлиги ёрдамлашади.

Асар охирида суръатни тезлатиш томонга бир оз аготик ўзгартирилишига йўл қўйилади.

Тўртинчи ҳиссасида паузаси бўлган тактларнинг учинчи ҳиссасида узишларни аниқ ва равшан, бироқ юмшоқ кўрсатишга эришмоқ зарур.

Главная задача при исполнении данного произведения — добиться плавности дирижерских движений, выработать самостоятельность действия каждой руки. Этому способствует умеренный темп, простая фактура изложения, относительно простой ритмический рисунок и мягкий напевный характер произведения.

В конце произведения допускается небольшое агогическое изменение в темпе в сторону ускорения.

Следует добиваться четких, но смягченных показов снятий на третьей доле в тактах, где на четвертой доле пауза.

# 5. ЁР-ЁР

## "Гулсара" операсидан қизлар хори

**К. ЯШИН** шеъри

**Т. СОДИҚОВ** ва **Г. ГЛИЭР** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






170747

www.ziyouz.com kutubxonasi




Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан, ўлан айтинг ёр-ёр!
ўлан айтинг ёр-ёр!
Ўлан айтган кишига-ё раҳмат айтинг ёр-ёр!
ёр-ёре, раҳмат айтинг ёр-ёр!

Униб, ўсиб фарзанди куёв бўлсин, ёр-ёр!
ёр-ёре, ёр-ёре куёв бўлсин ёр-ёр!
Тўн кийиб билак ёзсин, тўйлар кўрсин ёр-ёр!
ёр-ёре, ёр-ёре тўйлар кўрсин ёр-ёр!

Бу асар характерига енгил дирижёрлик ишора мосдир. Ишора фортепиано жўрлигида бошланади ган муқаддимада стаккатоли, хор бошланиши би лан эса куйчан, боғланган, легатоли бўлмоғи лозим.

Чўзилган товушларда чап қўлнинг тўхтаб туриши, ҳар бир музика жумлалари олдидаги аниқ ауфтактлар ва синкопаларни аниқ кўрсатишлар, асар охиридаги сақланган фермата — буларнинг ҳаммаси студентнинг аввалги эгаллаган дирижёрлик малакаларини мустаҳкамлайди.

«Ёр» сўзини паузаси бўлган тактларда муайян ва аниқ узишга эришмоқ лозим.

Легкий жест соответствует характеру данного произведения. В фортепианном вступлении жест должен быть стаккатированным. С вступлением хора — певучим, связанным, легатным. Точные остановки левой руки на выдержанных звуках, ясные ауфтакты перед каждой музыкальной фразой, четкие показы синкоп, выдержанная фермата в конце произведения — все это закрепляет дирижерские навыки, полученные студентом ранее.

Следует добиться четкого определенного снятия слова «ёр» в тех тактах, где имеются паузы.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 6. ХАЛҚ ҚАЙҒУСИ

“Насриддин Бухорода„ музикали драмасидан

Б. АРАПОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Юрак ғазаб, алам билан, бўлди ўт янглиғ
Қандай қайғу, қандай кулфат бизларни, кутар бизларни.
Бизлар уларни, ё улар бизларни ўт, бўғди зиндон ўти,
Оҳ, дод, бу ўтдан, сиз ҳокимтойлардан, ҳокимтой, хонлар,
беклар, бойлардан,
Оҳ, ғурбат, о, ғурбат тақдир шу, тақдир шу.

Студентнинг асосий дирижёрлик-ижрочилик вазифаси — оғир ва вазмин суръатда асарнинг ғамгин, қайғули кайфиятини тасвирлашдир.

Асарни бадиий бойитган аккордлар, синкопалар (бас — остинато), овозлардаги полифоник элементлар тегишли дирижёрлик услублари воситасида кўрсатилмоғи лозим.

Асар бошланишида «бўлинган, парчаланган» (такт олдидаги «ўн олтиталик») ҳиссаларни кўрсатиш, дирижёрликнинг айниқса қийин вазифаларидан биридир.

Передача грустного, печального настроения песни, изложенной в медленном темпе — основная дирижерско-исполнительская задача студента.

Аккорды, синкопы (бас-остинато), художественно обогатившие все сочинение, полифонические элементы в голосоведении должны быть переданы соответствующими дирижерскими приемами.

Особая трудность — показ так называемого «дробленого» вступления (затакт «шестнадцатая») в начале произведения.

## 7. ЛИРИК ДУЭТ

**З. ОБИДОВ** шеъри **А. МУҲАМЕДОВ** музикаси

**Allegretto con animato**









www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Йигит: Келасан деб кутдим боғлар оралаб,
Меҳрим тўлиб тердим гуллар саралаб,
Интизор этдинг ёр, кўзим йўлингда,
Ёндирма ҳажрингда кўксим поралаб.

Қиз: Не бордир азиз ёр captured васлингдан ортиқ,
Ишқингда қалбимни қилганман тортиқ.
Висолинг муродим, йўқ бизда ҳижрон,
Вафойинг йўлида жоним тасаддуқ.

Йигит ва қиз: Вафоси бор дилда қолмас армонлар,
Севгимиз яшнатсин боғу бўстонлар.

Шу озод диёрга жонлар тасаддуқ,
Ишқимиз яратсин янги достонлар.

Асар дирижёрдан бой мусиқийликни, нозиклик ва ифодалиликни талаб этади. Дирижёрлик ишораси юмшоқ, куйчан бўлмоғи лозим.

Дирижёрлик малакаларини мукаммал эгаллаш учун, хусусан асардаги агогик ўзгаришлар, узилмайдиган ферматолар, нозик ва ранг-баранг динамикалар устида иш олиб бормоқ керак.

Произведение требует от дирижера большой музыкальности, тонкости, выразительности. Дирижерский жест должен быть мягким, певучим. Особенно необходимо работать над овладением навыками показа агогических изменений в произведении, неснимаемых фермат, тонкой разнообразной нюансировки.

# 8. МУҚИМИЙ РЕЧИТАТИВИ ВА ХОР

**С. АБДУЛЛА** шеъри

**Т. ЖАЛИЛОВ,** ва **Г. МУШЕЛЬ** музикаси








www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Муқимий: Бири экиб пиширар, ҳосили бировларга
Мингида меҳнату ранж, биттаси ҳаловатда
Бирини қамчисидан қон томар, ғазабланса
Кўринки кўпчилиги, зулмату асоратда.

Хор: Хароба қишлоғу, тор кулбада фақир деҳқон
Шаҳарда ер эгаси, муҳташам иморатда
Муқимий қайси бирин айтасиз умр етса
Ҳимоясиз кишилар кўп эрур ниҳоятда
Ҳимоясиз кишилар кўп эрур ниҳоятда
кўп эрур ниҳоятда, кўплар!

Бу асарни ўрганишда студент «рубато» суръати ва «речитатив» номли янги музикавий тушунчалар билан танишади.

Асар, қўлларни чегаралантириш вазифасини ривожлантиришда ва ўзгарувчан ўлчовларга дирижёрлик қилишда фойдали мисол бўла олади. Овозларнинг бошлаш ва узиш дамларини аниқ ва равшан кўрсатиш жуда муҳим.

Овозларнинг «бўлинган-парчаланган» ҳиссаларини, аниқ ва кескин ҳаракатда кўрсатиш — бош техник-дирижёрлик қийинчилигидир.

При изучении данного произведения студент знакомится с новыми музыкальными понятиями: темп «рубато» и «речитатив».

Произведение полезно для развития разграничения функции рук и для овладения дирижированием переменных размеров. Важны точные и ясные показы снятий и вступлений голосов.

Главная техническая трудность — показ «дробленых» вступлений голосов, требующих особенно острых, четких дирижерских движений.

## 9. ЁШЛИГИМ

Халқ сўзи

Ўзбек халқ қўшиғи

Б. УМИДЖОНОВ қайта ишлаган






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




2. Ўйнай, ҳайқирай, қувнай ҳайқирай
Тенгу-тушларимни, ишга чақирай, Ҳей!
Завқларга тўлиб, Ҳей! яшнай, яркирай
Ёвларимга ерни тор қилай.

Нақарот:

Ёшлигим, ёшлигим, Ҳей! мени шу ёшлигим
Қувноқ даврига йўлдошлигим!
Ёшлигим, ёшлигим!

Асарнинг қувноқ, хушчақчақ мазмуни ва пунктр усул тасвири дирижёрдан муайян, «таранг», шунингдек «енгил» легатоли ишора талаб қилади.

Ижрочилик жараёнида турли ферматаларни кўрсатиш кўникмалари мустаҳкамланади, қўлларнинг мустақил вазифаси ривожлана боради.

Асарнинг моҳияти шундаки, у студентга жўрсиз хор (а'капелла)нинг махсус дирижёрлик услубларини эгаллашда кўмаклашади.

Веселое и радостное содержание произведения с четким пунктирным ритмическим рисунком требует очень определенного «упругого» и в то же время «легкого» легатного жеста.

В процессе работы над произведением закрепляются навыки показа различных видов фермат, развивается самостоятельность функций рук.

Произведение особенно полезно тем, что развивает точное овладение студентами специфическими приемами дирижирования хором *a'capella*.

# 10. АРМАН АСКАРЛАРИ ҚЎШИҒИ

„Фарҳод ва Ширин" операсидан

**ҲУРШИД** шеъри — **Ю. РАЖАБИЙ** ва **Г. МУШЕЛЬ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Биз эрурмиз фозил юртнинг ботир илғори,
Ғайрат билан зафар сари босдик илгари.
Белда қилич, қўлда найза, бир қўлда сипар,
Ҳар бир ерда бизни кутар шонли бир зафар!
Зафар!
Ҳар бир ерда зафар! Бизни кутар шонли зафар! Зафар!

Асарнинг мардонавор характери, эркаклар хорининг қуюқ жаранглаши дирижёрликнинг кучли ишораси воситасида берилиши шарт. Асар дирижёрдан қатъият ва ёрқин эмоция талаб қилади.

Хор овозларининг ўзига хос равишда мустақил тузилиши, синкопаланган усул ва майда узунликлар аниқ ижро этилмоғи лозим.

Тенорлар тўдасидаги синкопаларга, баслар тўдасидаги равон ҳаракатда бўлган чорак усулли тактлар бирикмасига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Ўнг ва чап қўлнинг мустақил ҳаракатига ҳам қатъий аҳамият берилсин.

Мужественный характер произведения, насыщенное звучание мужского хора должны передаваться четкими энергичными жестами. Произведение требует от дирижера сильной воли и яркой эмоциональности.

Своеобразное самостоятельное строение хоровых голосов, синкопированный ритм и мелкие длительности должны быть исполнены очень точно.

Особое внимание следует обратить на такты, в которых синкопы в теноровой партии сочетаются с ровным движением четвертями в басовой. Здесь необходимо строго дифференцировать движения левой и правой руки.

## 11. ХИСРАВ АСКАРЛАРИ ҚЎШИҒИ

„Фарҳод ва Ширин“ операсидан

**ҲУРШИД** шеъри **Ю. РАЖАБИЙ** ва **Г. МУШЕЛЬ** музикаси

**Allegro moderato**







www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Ушбу асарнинг туб вазифаси: дирижёрнинг турли ҳиссаларда ва айниқса биринчи ҳиссадан кейин келадиган синкопаларни ижро этишидир.

Қатъий қарор руҳида, маршга хос характерда ифода этилган музика — дирижёрда иродалилик ва эмоционал фазилатларни тарбияламоғи лозим. Турли усул тасвири, ранг-баранг динамика ёрқин ва кескин дирижёрлик ишораларини талаб этади. ♩.. 𝅘𝅥𝅯; ♩.. 𝅘𝅥𝅯; усули ҳамда такт ортидаги ўн олтиталик ноталарни аниқ ва равшан кўрсатиш — асарга хос қийинчиликлардандир.

Центральной задачей данного произведения является усвоение дирижером исполнения синкоп на различные доли, особенно после первой доли.

Твердая решительность, переданная маршеобразным характером в музыке, должна воспитывать волевые и эмоциональные качества дирижера. Разнообразный ритмический рисунок, динамика требуют яркого, энергичного дирижерского жеста. Особую трудность представляет точный показ ритмического рисунка ♩.. 𝅘𝅥𝅯; ♩.. 𝅘𝅥𝅯; а также затакт на шестнадцатых нотах.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 12. ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ МАРШИ

Т. ФАТТОҲ шеъри — А. ЛЕВИЕВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Битсин уруш дейди жаҳон,
Эллар бўлсин омон-омон.
Тинчлик учун улуғ жангда
Халқлар топар шуҳрату-шон.

Нақарот: Улуғ дўстимиз — партия,
Жонажонимиз — партия,
Тинчлигимиз ижодкори
Партиямиз.

2. Бизлар тинчлик тарафдори,
Тинчлик эрур халқ шиори.
Бу курашда совет халқи
Ғалабалар ижодкори.

Нақарот:

Мардонаворлик ва қатъийлик руҳида, кескин марш усулида баён этилиб, ўтаётган колоннанинг шахдам қадам ташлашини тасвир этувчи музика характери дирижёрнинг тақлидида ўз аксини топмоғи лозим.

Бу асар студентнинг хилма-хил дирижёрлик кўникмаларга эга бўлишига имкон яратади. Яъни: тўрт ҳиссали дирижёрлик шаклининг аниқлигига, турли узилишларга, *hoh légato* ва *legato* услубларида овоз юритишнинг таққосланишига, яккахон ва хорга навбатма-навбат кўрсатишга, синкопаларга, акцентларга *cresc, dim, sf, rit* ва бошқаларга. Асар, шунингдек, студентнинг ирода ва ҳис-туйғу фазилатларини ривожланишига кўмаклашади.

Мужественный, энергичный характер произведения, изложенного в чеканном ритме марша, отображающем твердый шаг идущей колонны, должен найти свое воплощение в дирижерской интерпретации. Изучение этого произведения позволяет студенту приобрести различные дирижерские навыки: четкую дирижерскую схему «на четыре», различные комбинированные снятия, показ поочередных вступлений солиста и хора, сопоставление приемов звуковедения *non legato* и *legato,* синкоп, акцентов, *cresc* и *dim, sf, rit* и пр.

Произведение также способствует развитию волевых и эмоциональных качеств студента.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 13. ГЎЗАЛ ФАРҒОНА

Р. БОБОЖОН ва Ҳ. ҒУЛОМ шеъри

А. МУХАМЕДОВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Водийда ғўзалар бойлади шона,
Шоналар зафардан ёрқин нишона,
Эй, қуёшли водий, эй азиз она,
Оқ олтин ишқида халқинг мардона.

Нақарот:

Гўзал Фарғонасан, гўзал Фарғона!
Эй, қуёшли водий, эй азиз она,
Эй, эй гўзал Фарғона,
Мамлакатга берган пахтанг дурдона.

2. Сенинг гўзаллигинг инсонларингда,
Инсонлар яратган бўстонларингда.
Олтин куз, тоғдек тик хирмонларингда
Кумуш денгизисан, пахтанг дурдона.

Нақарот:

Асарнинг тузилиши, бирмунча янги дирижёрлик малака ва кўникмаларни эгаллаш учун катта имконият яратади.

Асардаги музика жумлаларининг равшанлиги, ёрқин кульминацияси (авжи) қўшиқнинг музикавий образини тўлиқ ёритишда ёрдам беради.

Ранг-баранг динамик тусларни, айниқса ўзгарувчан динамик белгилар (давомли *cresc.* ва *dim.*) ни ҳамда, кескин, кучли, қисқа ишора-зарб талаб қиладиган «*sf*» белгисини ижро этишда дирижёрлик ишоралари кўламини аниқлаш муҳим заруриятлардан биридир.

Студентнинг нафис ва лирик ижрочилигида ва унинг музикавий улғайишида асар жуда фойдалидир.

Структура произведения представляет бол возможности для овладения целым рядом н навыков. Ясное ощущение фразировки в произ нии, яркая кульминация помогают раскрытик зыкального образа песни.

Не менее важно определить масштабы жерских жестов при показе весьма разноо ных динамических оттенков, особенно под ных нюансов (длительное *cresc* и *dim*), а т приема *sf*, требующего резкого, сильного, к кого жеста-удара.

Произведение очень полезно для развития зыкальности студента, тонкости, изящества и ричности исполнения.

## 14. ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

**Т. МАЪРУФИЙ** шеъри **С. БОБОЕВ** музик

**Maestoso**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




2. Ватан учун оғир жангларда
Ғалабага бошладинг ўзинг.

Доҳий Ленин партиясисан
Қувват берди жангавор сўзинг. 2 марта

Бу асар «икки» шаклдаги қатор дирижёрлик кўникмаларни мустаҳкамлашда энг қулайдир. Тантанали характер, оҳангдор куй, сокин суръат «салмоқли», «тўла», «куйчан» ишоралар билан тасвирланади.

Асарнинг ватанпарварлик мазмундаги хусусияти студентнинг ёрқин ирода ва ҳис-туйғу фазилатларини тарбиялайди.

Весьма удачный пример для закрепления ряда дирижерских навыков в схеме на «два». Торжественный характер, широкая напевная мелодия, спокойный темп передаются «весомым», «наполненным» «певучим» жестом.

Патриотическое содержание произведения воспитывает у студента яркие волевые и эмоциональные качества.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 15. ЛЕНИН ВАТАНИ

**ОЙБЕК** шеъри

**М. НАСИМОВ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Гӯзал қўшиқлардан тўқилган ҳаво,
Баҳорнинг қўйнига ўралган Ватан.
Серқуёш ишқ билан кўкарган дала,
Гулларингда Ленин яшаган чаман.

Нақарот:

Ленин фикри аҳли даҳо чўққиси
Мангу яшар, ёнар жаҳонда машъал.
Сен келтирдинг халққа шодлик қўшиғинг, эй,
Ленин байроғи абадий юксал.

2. Очиб берди Ленин қуёшли йўлни,
Эркин обод Ватан бахт оғушида.
Меҳнат ишқи безар барча кўнгилни,
Бахт куйи янграйди элнинг дилида.

Нақарот:

Турли-туман усуллар тасвирини тўғри дирижёрлик услубларида ижро этиш — асардаги асосий масаладир. Ишора, майда-мўл узунликларни, турли ҳиссалардаги синкопаларни ва пунктир усулни кўрсатишда жуда аниқ ва мукаммал бўлиши шарт. Тантанавор, кўтаринки руҳ характерини, ранг-баранг динамик тусларни кўрсатиш учун эркин ҳаракатли аниқ ва равшан дирижёрлик ишоралари зарур.

Имитацияли полифония элементлари ва уларнинг ижро этиш услубларига алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Основной задачей при исполнении данного произведения является овладение приемами дирижирования очень разнообразного ритмического рисунка. Жест должен быть исключительно точным, технически совершенным в показе обилия мелких длительностей, синкоп на различных долях такта, пунктирного ритма. Чтобы передать торжественный, одухотворенный характер, разнообразие динамических оттенков песни, необходимо дирижировать свободными, четкими жестами.

Особое внимание следует обратить на элементы имитационной полифонии и приемы ее исполнения.

## 16. МАНГУ БОРСАН, ПАРТИЯМИЗ

**П. МЎМИН** шеъри

**Ҳ. РАҲИМОВ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




1. Доно улуғ партия, сен
Бергансан бахт ирода,
Қалбимизнинг ҳурматин биз —
Этган чоғда ифода,
Дил сӯзимиз — қӯшиғимиз
Янграр еру самода.

Биз содиқмиз, миннатдормиз,
Яшайсан пок виждонда.
Йӯлинг учун биз тайёрмиз,
Ӯн беш улуғ бӯстонда.
Мангу борсан партиямиз
Одилликда жаҳонда.

Нақарот:

Айтаётган сӯзингда
Доно Ленин сӯзи бор.
Теран боққан кӯзингда
Доҳий Ленин кӯзи бор.

«Олға!» деган қӯлингда
Улуғ Ленин қӯли бор,
Эй, партиям йӯлингда
Улуғ Ленин йӯли бор.

Даромаддаги — оғир-вазмин, жиддий ва салмоқли, нақаротдаги — тантанаворроқ характер дирижёрлик ишораларда тааллуқли ифодасини топмоғи лозим, яъни куйчан,«қуюқ», шунингдек, муайян аниқ усулли бӯлмоғи керак.

Бу асарда студент тӯрт ҳиссали шаклни силлиқлаб олиши, хилма-хил дирижёрлик кӯникмаларни турли ҳиссалардан бошланиш, узиш, синкопа ва бошқаларни аниқлаб, мустаҳкамлаб олиши мумкин.

Сдержанный, сосредоточенный характер произведения в запеве и более торжественный в припеве должен найти свое выражение в соответствующем дирижерском жесте: плавном,«насыщенном»и, в то же время, очень четком и ритмически определенном.

В этом произведении студент может отшлифовать четырехдольную схему, уточнить и закрепить различные дирижерские навыки вступления на различные доли такта, снятия, синкопы и т. д.

# 17. КОМСОМОЛЛАР МАРШИ

**П. МӮМИН** шеъри — **С. ЮДАҚОВ** музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




| | | | |
|---|---|---|---|
| Илғормиз меҳнатда,<br>Биз жасур комсомол<br>Фанда ва санъатда<br>Топганмиз катта йўл. | Шодлик, бахт ярашган<br>Биз қувноқ комсомол.<br>Мард ёшлик ярашган<br>Зафарлар бизда мўл. | 2. Кулсин кенг гулбоғлар<br>Қўлларда, комсомол<br>Навқирон ўртоқлар,<br>Сафларда ҳушёр бўл! | Улуғ юрт мустаҳкам,<br>Биз содиқ, комсомол<br>Қардошлик чинакам,<br>Берганмиз қўлга-қўл. |

Н а қ а р о т:

Эй, Ватан — боғим, яша,
Партиям, доим яша!
Коммунизм йўлида —
Бахтиёр ёшлик, яша!

Н а қ а р о т.

Эркаклар ва хотин-қизлар ижросида кетма-кет келаётган бошланиш дамларни ўз вақтида кўрсатиш — дирижёрнинг асосий вазифасидир. Хор партитураси дирижёрлик позициясининг (паст ва баланд) ўзгаришини талаб этади. Нақаротдаги синкопаларни аниқ ва кескин равишда кўрсатмоқ зарур.

Асар, студентнинг жинсий хор турларини муайян даражада ҳис қилишига, улар овозининг жарангдорлик тусларини аниқлашига ва шунингдек, ҳис-ҳаяжон туйғусининг ривожланишига кўмаклашади.

Основная задача дирижера — показ поочередных вступлений мужского и женского хоров требует смены позиции (высокой и низкой). В припеве необходимо остро и четко зафиксировать синкопы.

Произведение позволяет студенту определеннее ощущать типы хоров, особенности их тембровых звучаний и, вместе с тем, способствует развитию его эмоциональности.

## 18. ЁШЛИК ҚЎШИҒИ

**М. АШРАФИЙ** музикаси.

**Қ. ЯШИН** шеъри

**В. КНЯЗАТОВ** аралаш хор учун мослаштирган

**Allegro energico**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




Қандай гўзалдир бу ёшлик баҳор,
Кўнглимга майин куй янглиғ ёқар. 2 марта

Сен обод яшна, гулла, жон ўлкам, 2 марта
Ўлкаки азиз улуғвор кўркам. 2 марта

Жоним фидодир сенга диёрим,
Сенсан ҳаётим, бахтим баҳорим. 2 марта

Қандай гўзалдир бу ёшлик баҳор, 2 марта
Кўнглимга майин куй янглиғ ёқар. 2 марта

Асарнинг ёрқин ва хушчақчақ характери — завқ-шавқ ва иродали ижрони талаб этади.

Жўрдаги «моторлаштирилган» тез суръат, кескин усул тасвири серҳаракат «таранг» дирижёрлик ишорасини эгаллашга ёрдамлашади.

**Динамиканинг ранг-баранглиги, яккахон ва хорнинг алмашинуви аввалги эгалланган дирижёрлик малака ва кўникмаларни мустаҳкамлайди.**

Яркий, жизнерадостный характер произведения требует очень эмоционального, волевого исполнения.

Быстрый темп, моторика в аккомпанементе, четкий ритмический рисунок помогают овладению энергичным «упругим» жестом.

Контрастность динамики, чередование пения солистки и хора способствуют закреплению ранее приобретенных дирижерских навыков.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 19. ЛАПАР

„Олтин кўл“ музикали драмасидан

УЙҒУН шеъри

М. ЛЕВИЕВ музикаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

Қувноқ ва жўшқин музика, ҳаракатчан ва эпчил дирижёрлик ҳаракатини талаб қилади. Ишора енгил ва нафис бўлсин. Шиддатли ҳаракатдаги пульс усулини яққол сезмоқ зарур.

Хорни бошқариш жараёнида дирижёр диққат-эътиборли ва шудли — уддабурон бўлмоғи зарур, чунки эркаклар хори билан хотин-қизлар хорининг тез-тез алмашиниб куйлаши асарнинг асосий хусусиятидир.

Қўлларнинг вазифаларини чегаралашда, уларнинг мустақиллигини ўстиришда асар жуда фойдалидир. Тез суръатда хор тўдаларига хилма-хил бошланиш дамларини ва узиш дамларини кўрсатиш — маълум қийинчилик саналади.

